ХАЛҚИМИЗ ЭНГ ЯХШИ ФАРЗАНДЛАРИНИ ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД ҚИЛИБ КЎРСАТМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 28 (3510).

8 февраль ЧОРШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЮКСАК ИШОНЧ

Ўзбекистонда сайлов кампанияси янги муҳим босқичга кирди. 7 февралда республика Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш бошланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республика Олий Советига халқнинг муносиб вакилларини, ватанга, коммунистик қурилиш ишига садоқат билан қилган хизмати туфайли ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган кишиларни номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Сайлов олди йиғилишлари ҳамма жойда партия билан халқ моноли бирлигининг кучли намойишига айланмоқда.

Тошкентдаги тепловоз-вагон ремонт заводи коллективининг сайлов олди йиғилишида жуда кўп киши қатнашди. Иккинчи механика цехининг мастери Иван Иванович Алешин сўзга чиқади. У, улуг ватанимизнинг меҳнаткашлари Советлар мамлакатининг юбилей йилини меҳнат зафарлари билан нишонлаётганликлари тўғрисида, ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда Коммунистик партиянинг роли ўсиб бораётганлиги ҳақида, Ўзбекистон Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайлов шарафига социалистик мусобақа янада авж олиб кетганлиги ҳақида гапиради. И. И. Алешин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **Леонид Ильич Брежневни** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади.

Тепловоз цехининг мастери П. Г. Гриднев бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Шундан кейин чўян-қуйиш цехининг эритувчиси Я. Д. Дергач сўз олади. У, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланган илғор ишчи **Людмила Александровна Реутни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатади. Людмила Александровна қариб чорак асрдан буён заводда ишлаб келмоқда. У, ана шу давр ичида неча ўнлаб малакали ишчиларни тайёрлади.

Инженер Т. Мирхантов, чўян қуйиш цехининг бошлиғи А. Д. Кауфман, завод бошлиғи Р. Т. Тадулевич, химия лабораториясининг раҳбари В. П. Гусаковалар ўз нутқларида тавсия этилган номзодларни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш Л. И. Брежнев ва Л. А. Реутни 6-Горький сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация заводининг коллективида сайлов олди йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда старший мастер Х. С. Аҳмедов биринчи бўлиб сўз олди. Бутун Улуг Совет давлатимиз каби республикамиз ҳам, — деди у, — сайловларни хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан кутиб олаётганлиги гоят қувончлидир. Ана шу муваффақиятларимиз кун сайин ортиб бормоқда. Улуг Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётган ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати туфайли янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдамиз. Биз республиканинг муваффақиятларида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ манфаатларига тамомила жавоб берадиган доно сиёсатининг ёрқин ифодасини кўриб турибмиз.

Х. С. Аҳмедов ҳамманинг қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси **Алексей Николаевич Косигинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатади.

Цехнинг старший диспетчери А. М. Священский минбарга чиқади. У ана шу таклифни қувватлаб, слесарь **Икром Акмаловни** республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатади. Коммунист Акмалов заводда узоқ вақт ишлаб, ишчан новатор ва актив жамоатчи эканлигини намойиш қилди ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Сувоқчилар бригадасининг бошлиғи А. Усмонов, техник В. Рижова, цех партия ташкилотининг секретари И. Ф. Парин кўрсатилган номзодларни қизғин маъқулладилар.

Завод коллективи А. Н. Косиғинни ва И. Акмаловни 27-Нарманов сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИҒИ

ЛЕНИНГРАД Киров заводининг бош трактор корпусида сайловолди йиғилишида йиғувчи слесарь Н. А. Тимохин сўзга чиқди. У, коллектив номидан Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига Киров сайлов округидан номзод қилиб **Леонид Ильич Брежневни** кўрсатишни таклиф этди.

Бу таклифни йиғувчи слесарь, коммунистик меҳнат зарбдори М. В. Гусаров қувватлади. У, йиғувчи слесарлар бригадири **Константин Васильевич Говорушинни** ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Йиғилиш РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Л. И. Брежнев ва К. В. Говорушинни кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

«Красный треугольник» бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари сайловолди йиғилишида йиғув цехининг бригадири Е. И. Новикова Измайлово сайлов округидан депутатликка **Алексей Николаевич Косигиннинг** номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Ходим В. П. Романова ўз корхонасидаги покришка йиғувчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Анна Тимофеевна Никандрович** ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Йиғилиш А. Н. Косигин билан А. Т. Никандрова номзодларини якдиллик билан маъқуллади.

Ломоносов сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишда Ломоносов район «Нагорний» совхозининг ходимлари **Николай Викторович Подгорний** билан паррандачилик бригадасининг раҳбари **Зоя Николаевна Егорованинг** номзодларини таклиф қилдилар.

Совхоз мажлиси Н. В. Подгорний билан З. Н. Егоровани республика Олий Совети депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатишга қарор берди.

(ТАСС).

Октябрь революцияси номли завод ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимларининг ЎзССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилиши зўр кўтаринки руҳ билан ўтди. Суратда: йиғилиш залида.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ҚАҲР-ҒАЗАБИ

САБР-ТОҚАТНИНГ ҲАМ ЧЕКИ БОР

КПСС ва Совет Иттифоқига қарши вақшиёна хуруж ва душманларча хатти-ҳаракатлар билан қилинаётган Хитойдаги сўнгги воқеалар барча совет кишиларининг нафрати ва ғазабини келтиради.

6 февралда биринчи давлат подшипник заводининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари Хитой раҳбарларини хатти-ҳаракатларига, Хитойда совет гражданларига нисбатан қилинаётган зўравонликка қарши ворозилик билдириш учун йиғилдилар.

Митингда сўзга чиққанлар Мао Цзэ-дун ва унинг атрофидагилар мамлакатда атайин Советларга қарши шовинизм алангасини ўт олдираётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Хитой раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари марксизм-ленинизм назариясига мутлақо мувофиқ келмайди, хитой халқининг манфаатларига зиддир.

Хитойда бўлаётган воқеаларни қаҳр-ғазабсиз гапириб бўлмайди, деди автомат тоқарлик цехининг созловчиси Н. Ф. Сальников. Хитой раҳбарларининг калтафаҳмлигини кўринг! Афтидан, улар мамлакатимизнинг Хитойга берган ёрдамини унутиб қўйганга ўхшайдилар. Энди бўлса совет кишиларига туҳмат ёғдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Совет ҳукуматининг баёнотида совет кишиларининг чидам ва токати чексиз эмас, деб тўғри айтилган. ХХР ҳукумати совет кишиларига нисбатан қопуносизлик ва ўзбошимчаликни тўхтатиши керак.

Митингда қатнашувчилар якдиллик билан қарор қабул қилдилар. Бу қарор ХХРнинг СССРдаги элчихонасига топширилади.

(ТАСС мухбири).

МОСКВАДАГИ ХИТОЙ ЭЛЧИХОНАСИ ОЛДИДА

6 февралда И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи, биринчи давлат подшипник заводи, «Трехгорная мануфактура» комбинатининг вакиллари Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси томон йўл олдилар. Пойтахтдаги мана шу энг йирик корхоналарнинг коллективлари уларга митингларда якдиллик билан қабул қилинган қарорларни ХХР элчихонасига тутқазишни топширган эдилар. Шу қарорларда Хитой маъмурларининг Совет Иттифоқига ва мамлакатимиз гражданларига нисбатан ўтказаётган душманлик кампанияси муносабати билан Совет ҳукуматининг берган баёноти якдиллик билан маъқуллаган.

ХХР элчихонасининг вакиллари митинг қарорларини қабул этишни номардларча рад қилдилар.

Корхоналардан келган вакиллар ХХР элчихонасининг территориясига кираверишда: «Пекинда совет кишиларига нисбатан қилинаётган бедодлик ва игвогарликка қарши қатъий норозилик билдирамиз» деб ёзилган қўлёзма плакатни кўтардилар.

(ТАСС мухбири).

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

«ТРЕХГОРНАЯ МАНУФАКТУРА» КОМБИНАТИДА МИТИНГ

6 февралда Москвадаги «Трехгорная мануфактура» комбинатининг коллективи Хитой маъмурларининг қўпол антисовет игвогарликлари ҳамда бебош безориларнинг хатти-ҳаракатларига қарши якдиллик билан қатъий норозилик билдирди.

Корхонанинг 700 дан ошиқ ишчи ва хизматчиси цехлардан бирида митинга тўпландилар. Комбинат партия комитетининг секретари В. П. Четверикова ҳозир Хитойда ўтказилаётган Советларга қарши кампания сурбетлиги жиҳатидан ҳатто Чанкайшичи маъмурларнинг реакцион ҳукмронлигининг энг мудҳиш вақтларидаги ҳатти-ҳаракатларидан ҳам ошиб тушаётганлигини таъкидлаб ўтди. Фактлар, деди у, Хитойдаги расмий маъмурлар игвогарлик ва бебошликларнинг ташкилотчилари эканликларидан далолат бермоқда. Уларнинг ҳаракатлари барча совет гражданларини дарғазаб қилмоқда.

Слесарь Л. Н. Ермолов ҳам шу фикрларни ифода қилди. Йиртқич безорилар совет кишиларидан жисмоний ўч олишга чақириб, ҳеч нарсадан ҳам тап тортмаяптилар, деди у. Пекиндаги совет элчихонаси ходимларининг оила аъзолари — аёллар ва болаларнинг яшаши учун чидаб бўлмайдиган шароит вужудга келтирилган. Курашаётган Вьетнамга бораётган совет мутахассислари тушган самолёт Пекин аэродромига қўниш пайтида уюштирилган қабиҳ игвогарликларни билганимизда ҳам вужудимизда ғазаб ўтлари ёнди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мана шу хатти-ҳаракатлар Хитой маъмурлари расмий вакилларининг раҳбарлигида қилинмоқда.

Кўп йиллар мобайнида Хитой халқига дўстона қўлинг узатиб келган халққа нисбатан қандай қилиб бебошлик қилиш, қандай қилиб ҳақорат сўзлари айтишга юз чидайди, деди комсомол комитети секретари Нина Шматкова. Еш авлодни контрреволюцион руҳда, энг хайрихоҳ ва тинчликсевар совет халқига нисбатан нафрат руҳида тарбиялаётган Хитой раҳбарлари нима деб ўйлаётган эканлар.

Печать цехининг бошлиғи Н. Г. Смирнов ҳам Хитой игвогарларининг ҳаддидан ошган хатти-ҳаракатлари тўғрисида ғазабланиб гапирди. У Совет ҳукуматининг баёноти ХХР ҳукуматига берилган жиддий огоҳлантириш эканлигини таъкидлаб ўтди.

Кўп кишилик митингда қатнашувчилар якдиллик билан қабул қилган қарорида Хитой маъмурларининг хатти-ҳаракатлари қатъий қораланади. Қарорни ХХРнинг Москвадаги элчихонасига топширишга қарор қилинди.

(ТАСС мухбири).

СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИ ХИТОЙДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Хитой Халқ Республикасидаги совет элчихонаси, савдо ваколатхонаси ва бошқа совет муассасалари ходимларининг оила аъзоларидан иборат совет гражданларидан иккинчи группаси махсус самолётда 6 февралда Пекиндан Москвага қайтиб келишди. Қайтиб келган кишилар орасида 97 аёл ва бола бор. Хитойда уларга чидаб бўлмайдиган шароит туғдирилганлиги сабабли улар ватанга қайтиб келдилар.

Шереметьево аэродромида қайтиб келганларни совет жамоатчилиги ва Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари, қариндош — уруғлари ва яқин кишилари самимий кутиб олдилар. Аэродромда совет ва чет эл мухбирлари бор эди.

(ТАСС мухбири).

Бу—кўрнамаклик!

Кейинги вақтларда Хитой Халқ Республикасида бўлаётган воқеалар ҳозирги Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқи билан муносабатларни янада ёмонлаштириш ва кескинлаштириш ниятида эканликларини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Хитой маъмурлари шу йил 25 январда Москва Қизил майдонида ХХР элчихонаси уюштирган Советларга қарши сиёсий игвогарликдан фойдаланиб, мамлакатимизга қарши қаратилган талвасани тобора авж олдираётганликлари совет кишиларининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлмоқда. Тошкентдаги Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводида шу муносабат билан кўп кишилик митинг бўлиб ўтди.

Завод партия комитетининг секретари К. Г. Гнездилов митингни очиб, Хитой раҳбарларининг Советларга қарши олиб бораётган туҳмат ва безориликдан иборат хатти-ҳаракатлари ҳақида ғазаб билан гапирди.

Электромашина цехининг собиқ бошлиғи пенсионер И. К. Горбенко, пўлат қуйиш цехининг моделчиси А. К. Киктов, тепловоз цехининг контролери Г. Иванникова, ремонт механика цехининг кекса ишчиси И. А. Шчербаков ўртоқлар бирин-кетин минбарга кўтарилиб, совет—хитой муносабатларини ёмонлаштириш ниятида ҳозирги Хитой раҳбарлари амалга ошираётган қабиҳ ишларни қаттиқ қоралаб гапирдилар.

— Биз, — дейди И. К. Горбенко, — Советларга қарши пропаганда билан алданган оддий халққа ачинамиз. Мен Совет ҳукуматининг Хитойга кўрсатган жуда катта ёрдамининг шоҳидиман, шахсан ўзим совет мутахассислари билан бирга бу мамлакатга бориб янги ҳаёт қураётган халққа кўмаклашганман. Аммо Хитой маъмурлари ёрдам ва ҳамкорликнинг ҳаммасидан кўз юмиб, ҳозир кўрнамаклик қилмоқдалар. Биз уларнинг бундай хатти-ҳаракатларига чуқур норозилик билдирамиз.

Митингда Хитой раҳбарларининг Советларга қарши уюштираётган туҳматлари ва безорилик ҳаракатларини қатъий қораловчи резолюция қабул қилинди.

Ю. БАҲОДИРОВ.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЧЕХОСЛОВАКИЯГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТУҒРИСИДА

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва у билан бирга келган КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов шу йил 4 февралдан 6 февралгача дўстона визит билан Чехословакия Социалистик Республикасида бўлдилар.

Л. И. Брежнев ва Ю. В. Андропов ўртоқлар Чехословакияда бўлган вақтларида Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Антонин Новотний билан, ЧКП Марказий Комитети президиумининг аъзолари ўртоқ Иржи Гендрих, Иозеф Ленарт, Богуслав Лаштовичка, Отакар Шимунек, Ольдржих Черник билан, ЧКП Марказий Комитетининг секретари Любомир Штроугал билан дўстона суҳбатлашдилар. Шу суҳбатлар вақтида Совет-Чехословакия муносабатларини янада ривожлантиришга доир масалалар ҳамда халқаро сиёсат ва жаҳон коммунистик харакатининг энг муҳим проблемалари муҳокама қилинди.

Суҳбатларда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси ўртоқ С. В. Червоненко ҳам қатнашди.

КПСС ва ЧКП раҳбарлари ҳар иккала мамлакатда коммунизм ва социализм қурилишининг борыши тўғрисида бир-бирларига информация бердилар. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чехословакия Коммунистик партияси ўртасида бузилмас қардошларча дўстлик, ҳар иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига жавоб берадиган, Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги кенг сиёсий иқтисодий ва маданий ҳамкорлик узлуксиз ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд қилдилар.

Томонлар ҳозирги халқаро аҳвол, жаҳон коммунистик ва ишчи ҳаракати масалалари юзасидан қарашларининг тамомила бирлигини якдиллик билан таъкидлаб ўтдилар. Томонлар Бухарест Декларацияси принциплари асосида Европада тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга якдиллик билан интилишаётганларини ва янада курашжакларини изҳор қилдилар. Улар Совет ва чехословак халқлари манфаатлари йўлида, социалистик ҳамдўстлик, жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслиги ва бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида, тинчлик, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун, демократия ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ҳар иккала партия ва мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама қардошлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қатъий аҳд қилганликларини билдирдилар.

Суҳбатлар самимий ва қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

ДУСТОНА МУЗОКАРАЛАР

ЛОНДОН, 7 февраль. (ТАСС). Буюк Британия Бош министрининг Даунинг-Стритдаги резиденциясида кеча СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон билан суҳбатлашди.

Шу суҳбатдан кейин, кенгроқ составда музокаралар бошланди. Музокараларда Совет томонидан Грузия ССР Министрлар Советининг раиси Г. Д. Жавахишвили, Эстония ССР Министрлар Советининг раиси В. И. Клаусон, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосаси А. А. Солдатов, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси М. Н. Смирновский ва бошқалар ҳам қатнашдилар. Англия томонидан: Ташқи ишлар министри Ж. Браун, Ташқи ишлар бўйича давлат министри Ж. Томсон, Ташқи ишлар министрининг доимий ўринбосари Поль Гор-Бут ва бошқалар иштирок қилдилар.

Дўстона, рўй-рост вазиятда ўтган музокаралар вақтида ҳар икки томонни қизиқтирган бир қанча актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиш бошланди.

Ҳозирги Хитой раҳбарларининг совет халқи ва КПСС шаънига туҳматдан иборат ҳуружини шаҳримиз меҳнаткашлари қатъий қораламоқдалар. Шу муносабат билан жойларда меҳнаткашларнинг норозилик митинглари бўлиб ўтмоқда. Суратда: Тошкентдаги В. Чкалов номли авиация заводида митинг пайти. Трибунада корхона комсомол комитетининг секретари Ш. Муратов.

А. Гриневич фотоси.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЗАФАРЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Илгари хабар берилганидек 6 февралда область партия ташкилоти активи йиғилиши бўлиб ўтди. «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** доклад қилди.

— Барча қардош халқлар қатори Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини эўр тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар,— деди докладчи.—КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» қабул қилган қарори пойтахт области меҳнат аҳли томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. Бу ҳужжатда мамлакатимиз ҳаёти, халқимиз босиб ўтган шонли йўл, порлоқ уфқлар ўз аксини топган.

Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи ажойиб ғалабаларни қўлга киритди. Совет халқи социалистик жамият тузишнинг ленинча планини амалга ошира бориб мамлакатни индустриалаштириш ва электрлаштириш, қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш, маданий революция ғалабасини таъминлаш борасида тарих билмаган улкан ютуқларни қўлга киритди.

Ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши туфайли, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги билан Ўзбекистон тарихан қисқа муддат ичида чор Россиясининг энг қолоқ колонияларидан ғуллаётган социалистик республикага айланди. Ўтган ярим аср давомида қардош совет халқи оиласида Тошкент области ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

Шуни эўр ғурур билан айтамизки, Тошкент большевиклари ва ишчилари Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда айниқса активлик ва жасорат кўрсатдилар. 14 Тошкент комиссари ва революция ҳамда гражданлар уруши йилларида қаҳрамонлик кўрсатган бошқа ажойиб инқилобчиларимиз халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайдилар.

Бешйилликлар даврида партиямизнинг социалистик жамият тузиш планини амалга оширишда тошкентликлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Областимизда Янгийўл, Чирчиқ, Ангрен ва Бекобод, кейинроқ борриб эса Олмалиқ, Янгиобод, Ғазалкент каби янги шаҳарлар пайдо бўлди. Саноатнинг янги тармоқлари, янги корхоналар яратилди. Кимсасиз чўлларда социалистик қишлоқлар бунёд этилди, колхоз ва совхозлар юксалди.

Тошкент области Совет Шарқининг энг йирик саноат ва қишлоқ хўжалик районларидан, илмий ва маданий марказларидан бирига айланди. Бизнинг областимиз индустрияси ва қишлоқ хўжалиги кенг ривож топган ўлкадир. Бу ердан жаҳоннинг 63 мамлакатига маҳсулотлар экспорт қилинаяпти. Фақатгина янги бешйилликнинг биринчи йилида областимизда чор Россиясининг 1913 йилда ишлаб чиқарган бутун электр энергиясидан тўрт марта кўп электр қуввати ҳосил қилинди. Саноат потенциали беқиёс ўсди. Ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда областимиз саноати республика саноат корхоналари ишлаб чиқараётган жами маҳсулотнинг ярмидан кўпини етказиб бермоқда.

Тошкент области меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш иштиёқида ўз олдига турган вазифаларни муваффақиятли бажармоқда. Етти йиллик топшириқларини бажаришда жонбозлик кўрсатган 22 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. 3 мингдан ортиқроқ киши эса ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланди.

1966 йил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани муддатидан олдин шараф билан ado этилди. Планга қўшимча бир неча миллион сўмлик ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари, транспорт воситалари, халқ истеъмол ва маданий-маиший товарлар ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган кўрсаткич 104,2 процент бажарилди.

Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари меҳнаткашлари ўтган йили топшириққа қўшимча равишда 3 миллион квадрат метрдан кўпроқ ип газлама, 200 минг жуфтга яқин пайпоқ, 50 минг донадан ортиқ устки трикотаж, 120 минг жуфт чарм пойафзал, 300 тонна кондитер маҳсулотлари ва бошқа хил халқ истеъмоли товарлари тайёрлаб бердилар.

Бинокорларимиз ҳам бешйилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунладилар. Капитал маблағларини ўзлаштириш область бўйича илгариги йилларга нисбатан 19 процент ўсди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми эса 16 процентга кенгайди. Фақатгина давлат капитал маблағи ҳисобига 540 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Бу 1965 йилдагига нисбатан 79 минг квадрат метр кўпдир.

Тошкент ГРЭСи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи, «Ўзбекхиммаш», электротехника, экскаватор, инструменталь, вагон-ремонт, кабель заводлари, Қалмоққир кони, мис саралаш фабрикаси, тўқимачилик, ёғ-мой комбинатлари ва бошқа корхоналарда бир қатор қувватлар ишга туширилди. Қурилиш материаллари саноати корхоналари ҳам юксалди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган ютуқлар чеки бениҳоя бўлди. Азамат пахтакорларимиз давлатга 349,5 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Бу планда кўзда тутилганидан 32,6 минг тонна кўпдир. Ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосилдорлик 24,8 процентни ташкил этди. 17 колхоз ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 30 ва ундан ҳам юқорироқ центнердан ҳосил кўтардилар. Барча район ва хўжаликлар, «Кўкорол» совхози бундан истесно, давлатга пахта сотиш йиллик планини шараф билан ado этдилар.

Область хўжаликлари дон, шоли, каноп уриғи, сабзавот, узум, полиз экини, гўшт, сут, тухум ва жун тайёрлаш планини орттириб бажардилар.

Ўтган йил якунлари қисқача мана шулардан иборат. Улар гоятда қувончлидир. Аммо биз КПСС Марказий Комитети қарорида келтирилган доҳий Ленин сўзларини бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Улуғ Октябрь йиллигини байрам қилишнинг энг яхши йўли — бу ҳал қилинмаган масалаларга диққат-эътиборни қаратишдан иборатдир. Бундай масалалар ҳали бизда кўплаб топилади.

Ўтган йили область бўйича 40 та саноат корхонаси ўз вазифасини уддалай олмади. Натижада давлатга 8 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. 1966 йилда 522 минг сўмлик ҳимия асбоб-ускуналари, 60 та ҳаво компрессори, 26 минг кубометр йиғма темир бетон, 42 миллион дона бинокорлик ғишти, 12,2 миллион плита асбоцемент шифери, 86,5 минг квадрат метр дераза ойнаси, 26 минг километр ёритгич шнури, 5,5 минг километр махсус сим ва бошқа хил буюмлар кам тайёрланилди. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари 495 минг дона ички трикотаж, 359 тонна гўшт, 1268 тонна макарон маҳсулоти кам ишлаб чиқарди.

Қурилишда ҳам маза шундай кўнгилсиз ҳоллар учради. Айрим трестлар йиллик планни бажармади. 1966 йилда область меҳнаткашлари, асосан Тошкент шаҳри ҳисобига 176 минг квадрат метр турар-жой, 4948 ўринли мактаб, 4589 ўринли болалар боғча ва яслисига эга бўла олмадилар.

Қурилиш-монтаж ишларининг суст олиб борилганлиги туфайли Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш цехи навбати, Оҳангарон керамика комбинатида керамика трубалари ишлаб чиқариш участкаси, Чирчиқ ғишт заводида 50 миллион дона бинокорлик ғишти тайёрлаб берадиган линия, «Чирчиксельмаш», «Ташсельмаш», Тошкент лак-буёқ, Тошкент кўн заводларида бир қатор қувватлар ишга туширилмай қолди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда содир бўлаётган камчиликлар ҳам бизни ташвишлантирмай қолмайди. Бир қатор хўжаликларда ҳосилдорлик гоятда паст. 107 пахтачилик хўжалигидан 14 таси ўтган йили 20 центнердан кам ҳосил кўтарди. Оққўрғон районидаги «Гулистон» колхози ва «Коммунизм» совхози, Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози, 1-«Далварзин» ва 3-«Далварзин» совхозлари, Бўка районидаги Свердлов номли ва «Ленинизм» колхозлари, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози пахта йиғим-терим кампаниясини гоятда чўзиб юборишдилар. Аёзли кунлар бошлангандагина зўрға планни бажаришга муваффақ бўлдилар. Каноп пояси сотиш плани 96,7 процент, пилла 91,1, мева эса 88,6 процентда қолиб кетди.

Бешйилликнинг биринчи йилида сабзавот тайёрлаш плани 103 процент бажарилди. Аммо ассортиментлар бўйича топшириқ бажарилмай қолди. Бодринг тайёрлаш плани атиги 72,8 процент бажарилди. Помидор 57,3, сабзи 43,7 процентда қолиб кетди. Мана шу маҳсулот турлари бўйича белгиланган топшириқнинг бажарилмаганлиги туфайли аҳолига 32,2 минг тонна сабзавот ва 14,6 минг тонна картошка кам етказиб берилди.

Ҳозир Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети ёрдамида сабзавотнинг барча ассортименти, шу жумладан картошка тайёрлашни кўпайтириш бўйича бир қатор конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бундан бўён чорвачиликка тағин ҳам жиддийроқ эътибор бериш керак. Бу соҳадаги мавжуд ички имкониятлар ҳамон тўла ишга солинмаётир. Бир қатор хўжаликларда моллар туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, таннархини арзонлаштириш бўйича белгиланган топшириқлар қониқарсиз бажарилмоқда.

Совет ҳокимиятининг шонли юбилейи яқинлашиб келаяпти. Бу улуғ кунни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳар бир кун, ҳар бир соатдан унумли фойдаланишимиз керак. Олдимизда турган вазифаларни беками-кўст ado этишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Хўш, юбилей йилининг дастлабки ойи қандай якунланди? Областимиз бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 101,7 процент ado этилди. Аммо 44 корхона январь ойи планини бажара олмади. Натижада 3 миллион 241 минг сўмлик маҳсулот кам тайёрланилди. Бу маҳаллий партия, совет ва комсомол ташкилотларини ташвишга солмоғи керак.

Бу йил областимизда қурилиш қўлами мисли кўрилмаган даражада кенгаяди. Биргина «Главташкентстрой» ташкилотлари 1967 йилнинг январь ойида бажарган ишларининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар ўсди. Бу бинокорлардан барча резерв ва имкониятларни тўла ишга солишни талаб этади. Аммо фактлар шуни кўрсатиб турибдики, қурилиш ташкилотлари 1966 йилнинг декабрь ойига нисбатан 1967 йилнинг январь ойида анча суст ишлаганлар. Масалан, «Главташкентстрой» ўтган йилнинг декабрь ойида 18 миллион сўмликка яқин капитал маблағни ўзлаштирган бўлса, бу йилнинг январь ойида эса атиги 15 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Қишлоқда ҳозир кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш, техника ремонтини вақтида тугаллаш, дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ирригация шохобчаларини тозалаш ишлари асосий вазифадир. Аммо айрим жойларда бу масалаларга етарлича эътибор берилмаётир. 1 февралгача бўлган маълумотларга қараганда хўжаликлараро ирригация шохобчаларини тозалаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча суст бормоқда. Тракторлар ремонти ҳам қониқарсиз ҳолдадир.

1 февралда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб, унда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 4 январдаги қарорини тўла қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми қарори асосида область партия комитетлари, шаҳар ва район партия комитетлари корхона, қурилиш, колхоз ва совхозларнинг Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқдилар.

Область меҳнаткашлари Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб бешйилликнинг иккинчи йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин бажариш ва кўплаб қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун энг биринчи навбатда ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, илғор фан ва техника ютуқларини жорий қилиш керак. Масалан, «Ўзбекхиммаш» заводида уникаль комплекс-механизациялашган линия ишга тушади. Мамлакатдаги энг йирик корхоналардан ҳисобланган Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида мис катанкаси ишлаб чиқариш бўйича комплекс автоматлаштирилган линия фойдаланишга топширилади.

Область меҳнаткашлари ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари сифатини тинмай яхшилаб бориш, машина ва бошқа асбоб-ускуналаринг чидамлилигини оширишга аҳд қилдилар. Улар мамлакатдагина эмас, ҳатто чет эл машиналаридан ҳам устун даражадаги агрегатлар ишлаб чиқаришга бел боғлаганлар.

Область меҳнаткашлари техника ва технологияни такомиллаштира бориб, ишлаб чиқаришга ва илғор тажриба ютуқларини жорий қилиб энг кам меҳнат сарф қилган ҳолда юқори кўрсаткичга эришишга ҳаракат қиладилар. Улар Октябрнинг 50 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган мажбуриятларида товар маҳсулоти таннархини топшириқда белгиланганидан 6,5 миллион сўм камайтиришни белгилаб олганлар.

Бу йил областда бутун мамлакатдагидек планлаштиришнинг янги системасига кенг қўламда ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил областда ҳар хил саноат тармоқларига қарашли 60 дан ортиқ корхона, транспорт ва алоқа ташкилотлари янги системада ишлашга ўтади. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун барча соҳадаги кадрларнинг малакасини, ишчанлик қобилиятини тинмай ошираборишдан иборат тадбирларини кўриш, иқтисодий тадбирларни такомиллаштириш, жамоат ишлаб чиқариши маҳсулдорлигини оширишнинг резервларини қидириб топиш ва ишга тушириш зарур.

Республикада иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг оммавий кўриги давом этмоқда. Москвалик ва ленинградликларнинг ташаббуси билан бошланган бу кўрикда областимиз меҳнаткашлари ҳам актив иштирок этмоқдалар. Улар ўз мажбуриятларида 100 миллион киловатт-соат электр энергияси, 5 минг тонна қора металл ва бошқа кўплаб хом ашё ҳамда материалларни тежаб қолиш тадбирларини белгилаганлар. Бу билан кўплаб қўшимча халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш имконияти туғилади. Шу жумладан 500 минг метр тайёр ип ғазлама, 70 минг жуфт пойафзал, 10 минг дона тикув ва трикотаж буюмлари, 4500 пальто ва костюмлар тайёрланади.

Юбилей йилида область меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш юзасидан катта вазифаларни бажаришлари керак.

Илгаригидек бу йил ҳам саноатнинг асосий тармоқлари, халқ хўжалигида техника прогресси даражасини белгилайдиган тармоқлари юксак суръатлар билан ривожланади Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида мамлакатда биринчи бўлиб мис концентратларини кислород аралашмаси билан эритадиган комплекс объект ишга туширилади. Шунингдек рангли ва нодир металлар, қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш қувватлари кўпайтирилади.

Икки агрегатни ишга туширши ҳисобига Ўрта Осиёдаги энг йирик иссиқлик электр станцияси— Тошкент ГРЭСининг қуввати 320 минг киловаттга оширилади. Химия, электротехника, электрон ва машинасозлик заводлари ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш юзасидан ҳам қатор тадбирлар кўрилади.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш, капитал ва турар жой қурилиши суръатларини кучайтириш, уларни бундан буён янада индустриалаштиришни таъминлаш, қурилиш базасини ҳартарафлама ўстириш ва такомиллаштириш зарур. Бу тадбирлар область меҳнаткашларининг 1967 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларида ўз ифодасини топган. Оҳангарон цемент заводида йилига 425 минг тонна қўшимча цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тўртинчи технологик линия ишга тушади. Оҳангарондаги керамика комбинатида облицовка плиталари ишлаб чиқариш қуввати оширилади.

Тошкентда яна битта уйсозлик комбинати ишга туширилади. Йил охирига бориб йирик панелли уйлар тайёрловчи қувватлар 790 минг квадрат метргача етказилади.

Тошкент области саноат ходимлари ва қурувчилари бундан буён ҳам КПСС Марказий Комитети март ва май Пленумлари томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига ҳартарафлама ёрдам бериб борадилар.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил ҳар гектаридан ўртача 25 центнердан ҳосил олиш, мамлакатга 315 минг тонна пахта сотишга сўз бердилар. Бу ҳосилнинг камида 180 минг тоннасн машиналар билан териб олинади.

Давлатга пахта сотиш социалистик мажбурияти Октябрь 50 йиллиги кунигача бажарилади.

Социалистик мажбуриятда, шунингдек, 266 минг тонна каноп пояси, 37,7 минг тонна дон, шу жумладан 13,2 минг тонна шоли, 176 минг тонна сабзавот, 32,4 минг тонна картошка, 59 минг тонна қовун-тарвуз, 18,2 минг тонна мева, 34,5 минг тонна узум сотиш кўзда тутилади.

Йил охирига бориб колхозлар ва давлат хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг сони анча кўпаяди.

Шунингдек давлатга 19,5 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 55,3 минг тонна сут, 41 миллион дона тухум, 1140 тонна жун, 1300 тонна пилла сотиш мўлжалланган. Область колхозчилари, совхоз ишчилари меҳнатни ташкил этишни узлуксиз, такомиллаштириб борадилар. Улар комплекс механизациялаштирилган звенолар тузишнинг ташаббускорлари бўлдилар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида меҳнатни ташкил қилишнинг прогрессив усули — нарядсиз ишлаш кенг жорий қилинмоқда. Бу усул ишлаб чиқаришга сарф қилинган ҳар бир сўм, ҳар бир килограмм озуқа, ўғит ҳисобига кўплаб маҳсулот ва фойда олиш имконини беради.

Экономиканинг ўсиши билан бирга область меҳнаткашларининг фаровонлиги ҳам ортиб бормоқда, уларнинг турар-жой ва маданий-маиший шароитлари тобора яхшиланмоқда.

Бу йил ҳам илгариги йилдагидек, турар-жойлар қуриш, республикамизнинг пойтахтини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилади. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги ва ёрдами туфайли зилзила оқибатлари тез тугалиб бормоқда.

Республика пойтахтида 1967 йилда 1 миллион 400 минг квадрат метрга яқин уй-жой қурилади, шу жумладан москвалик, ленинградлик, қардош республика қурувчилари 689 минг квадрат метр уй-жой қуриб берадилар. Тошкент меҳнаткашлари Октябрь байрами кунигача ҳартарафлама қулайликка эга бўлган 35 минг квартира оладилар. Шунингдек 66 километр магистрал водопровод тармоғи, 41 километр канализация коллекторлари, 130 километр газ тармоғини фойдаланишга топшириш мўлжалланади.

Шу йилнинг ўзидагина шаҳарда 15 та янги мактаб, 35 та болалар муассасаси ишга туширилади. Янгидан кўплаб савдо марказлари қурилади.

Ўзбекистон пойтахтида юбилейгача Ҳамза номли ўзбек драматик театри биноси, Фанлар академиясининг уч янги институти биноларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилади. Тошкентда кўнқаватли бинолар қурилиши давом эттирилади.

Меҳнаткашлар ўртасида социалистик мусобақа кун сайин кучайиб боради. Олмалиқ шаҳри меҳнаткашларининг ташаббуси билан ўтган йилнинг ўзидаёқ область шаҳарлари ўртасида меҳнат перекличкаси бошланган эди. Юбилей йилида биз бу традицион мусобақани Минск, Иваново, Чимкент области меҳнаткашлари билан давом эттирамиз. Шунингдек Болгариянинг Хасково округи меҳнаткашлари билан мусобақа ҳам давом этади. Социалистик мусобақа бизнинг умумий юксалишимизга ёрдам беради, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлайди.

Кўриниб турибдики, олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун оммамизнинг куч ва ғайратини сафарбар этиш, партия, совет ва хўжалик органларининг иш услубларини кескин қайта қуриш керак бўлади.

КПСС Марказий Комитети қарорига мувофиқ меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар оммаси ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришга катта аҳамият бериш талаб этилади. Шунга эришиш керакки, коллективнинг ҳар бир аъзоси умумхалқ ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшсин. Олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда раҳбар кадрлар, уларнинг маҳорати, топширилган иш учун виждонан муносабатда бўлишлари, ташкилий ишларни аниқ ва пухта ташкил эта билиш қобилиятлари катта роль ўйнайди.

Область саноати, қурилиш, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалигида 30,5 минг мутахассис ишлайди. Бу катта куч. Меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, ва оқибат натижада мажбуриятлар ва планларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ана шу мутахассисларнинг маҳорати, уларнинг ишга ижодий муносабатда бўлишларига боғлиқдир.

Ҳар бир мутахассис техника прогрессининг ҳақиқий ташкилотчиси, илҳомлантирувчиси ва новатори бўлсин. Бизда бундай кишилар оз эмас. Мутахассислар олдига шундай талаблар қўяр эканмиз, ўз навбатида уларнинг унумли ишлашлари, вақтдан яхши фойдаланишлари учун шароит яратиб беришимиз, уларни ўз функцияларига кирмайдиган ҳар хил ишларни бажаришларига йўл қўймаслигимиз керак.

Шуни унутмаслик керакки, қаерда мутахассисларнинг ролига етарли баҳо берилмас экан, ўша ерда қолоқлик рўй бераверади.

Маълумки, ишнинг муваффақияти, план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши цехларда, бригадалар, қурилиш майдонлари, звенолар ва фермаларда ҳал этилади. Демак, бундан чиқадиган хулоса шуки, омма ўртасида олиб бориладиган сиёсий ва ташкилотчилик ишларини ҳартарафлама кучайтириш, ҳар бир меҳнаткаш онгига кириб бориш, юбилей йилини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қўламда қизитиш лозим.

Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг мазмуни халқимизнинг шонли революцион ва меҳнат анъаналарини, социалистик ватанпарварлик ва интернационализмни ривожлантиришга, кишиларда юксак ахлоқ нормаларини тарбиялашга қаратилиши лозим. Пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар, лекторлар зиммасига меҳнаткашлар оммасига партиямиз амалга ошираётган ажойиб ишлар, ишчилар синфининг, деҳқонларимизнинг жасоратини тушунарли тилда ҳикоя қилиб бериш вазифаси юклатилади.

Партиямиз Марказий Комитети,— деди ўз докладининг охирида ўрток М. Абдураззоқов,— коммунистлар, комсомоллар ва барча меҳнаткаш Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига муносиб тайёргарлик кўрадилар, ўзларининг ижодкорлик меҳнатлари билан мамлакатимизнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини оширадилар, коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини ҳаётга янада зўр куч ва ғайрат билан татбиқ этадилар, деб ишонч билдирди. Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети чақирғанига жавобан областимиз меҳнаткашлари шонли юбилейни муносиб кутиб оладилар.

Докладдан сўнг музокаралар бошланди. Биринчи бўлиб Оҳангарон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Д. Д. Усачев** сўз олди.

Барча совет кишилари қатори, дейди у, кончилар, энергетиклар ва қурувчилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилдилар. Унда қурувчилар пешқадамлик қилмоқдалар. Улар ўтган йили оширилган планларини муваффақиятли бажарилишини таъминладилар.

Ўтган йили кўпгина объектлар, масалан Оҳангарон ГРЭСида 9-градирня объекти фойдаланишга топширилди. 4-темир-бетон буюмлари заводида технологик линия ишга туширилди. Бошқа саноат корхоналари ва объектларида ҳам янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

— «Главташкентстрой» ёнидаги партия комитети,— дейди шу комитетнинг биринчи секретари ўрток **А. А. Каприелов**,— асосий диққат-эътиборни бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиқ қобилиятларини ошириш, уларнинг ролини, фаолиятини кучайтиришга қаратмоқда. Коммунистларнинг кўпчилиги меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатмоқдалар.

Булар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, 6-қурилиш трести гишт терувчилар бригадасининг бошлиғи Холмат Ҳакимов, Тошкент уйсозлик комбинатининг монтажчиси Павел Кичанов, 1-«Строймеханизация» трестининг коммунистларидан Николай Девяток, 7-қурилиш трести бригадири Николай Горсков ва бошқа ўрток-лар бор.

Лекин партия ташкилотларининг ўтган йилги иш натижаларини кўздан кечирар эканмиз, жиддий камчиликлар борлиги ҳам кўринади. Бу айниқса қурувчилар ва монтажчилар коллективига тааллуқлидир. Бир қатор трестлар ва ишлаб чиқариш бошқармалари томонидан планлар бажарилмади. Бунинг асосий сабаби қурилишда меҳнатнинг пухта ва аниқ ташкил қилинмаганлигидадир.

Сўз Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари ўрток **А. П. Алимова** берилади.

Районимиз меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари шонли санани зўр кўтаринки руҳ билан, меҳнат ва сиёсий активликлари ҳар қачонгидан ҳам ошган вазиятда кутиб олмоқдалар.

Биз меҳнат ветеранлари, кекса большевиклар, граждан ва Ватан уруши қаҳрамонлари, колхоз ҳаракатининг ташкилотчиларини шарафлашни ташкил этдик. Бизда бундай кишилар оз эмас. Районимизда Ўзбекистоннинг биринчи тракторчиси Тўлаган Тошев яшайди. Яқинда дастлабки ишлаб чиқарилган тракторлар кўриги ташкил этилади. Шунингдек ёш тракторчиларнинг ветеран тракторчилар билан учрашуви ташкил этилади. Районимизда жанглларда ҳалок бўлган ҳамқишлоқ—жангчиларимиз учун ёдгорликлар ўрнатилади.

«Ташавтомаш» заводи бўйича умумий рентабеллик 1966 йилда 42 процентдан 49 процентгача кўтарилди. Ёки 7 процент ўсди. Коллектив беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам муваффақиятли бошлади.

— Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва белгиланган планларни муваффақиятли бажаришда коллектив ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг роли муҳимдир,— дейди ўз сўзида «Ташавтомаш» заводининг директори **И. К. Припусков**. Бу завод машинасозлик корхоналари ўртасида биринчи бўлиб планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Коллектив 1966 йил планларини барча техника иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарди. 1965 йилдагига қараганда ишлаб чиқариш ҳажми 20 процент ошди, пландан ташқари 540 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Завод Коллективи Ўзбекистон КП Марказий Комитети, ЎзССР Министрлар Совети ва «Ўзсовпроф» томонидан таъсис этилган эсдалик байроғини олиш ҳуқуқига эга бўлиш юзасидан бошланган мусобақага қўшилди.

Оққўрғондаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг директори **З. Махсумов** совхоз ишчиларининг юбилей йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш соҳасида қилаётган ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Тошкент тепловоз депоси машинисти **А. Маракаев**нинг ёрқин ва қаяжонли нутқи катта таассурот қолдирди.

Сўз Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари **И. Киргизбоева** берилади. Нотиқ йиғилиш қатнашчиларига ҳозир районда бажарилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб беради. Юбилей йилида район сабзавотчилари маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробар кўпайтиришга аҳд қилганлар. Бунинг учун аввало сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда комплекс механизацияни кенг жорий этиш талаб қилинади. Ҳозир район партия ташкилоти юбилей йили топшириқларни улуғ аймғачта тўлатўкис бажарилишини таъминлаш тадбирларини кўрмоқда.

— Ленин районн саноатчи ва транспортчилари КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб олиш бўйича қабул қилган қароридан руҳланган ҳолда зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар,—дейди район партия комитетининг биринчи секретари **Б. Ҳалилов**. Район меҳнаткашлари бешйилликнинг биринчи йили топширғини муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча равишда 4894 минг сўмлик аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган эдилар. Меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган топшириқ 105 процент бажарилди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш туфайли 1 миллион сўмликка яқин иқтисодий фойда кўрилди.

Табиий офат туфайли содир бўлган бир қатор қийинчиликларга қарамай Тошкент темирйўл бўлинмаси коллективи барча кўрсаткичлар бўйича топшириқларни бажарди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини бажаришга киришган 3-автоколонна ва «Учқун» фирмаси ўтган йилдан бошлаб планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасида ишламоқдалар. Ўтган ойлар давомида бу корхоналарда янги системанинг нақадар афзаллиги ўзини намоён қилди.

Райондаги электротехника заводи, қоғоз комбинати, «Подъёмник», 1, 2-автомобиль ремонти заводлари, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси ва бошқа корхоналар ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритдилар.

Районимизда илғорлар билан бир қаторда қолоқ корхоналарнинг ҳам борлиги докладда тилга олиб ўтилди. 6-темир-бетон буюмлари заводи, «Главдорстрой» трести, ишлаб чиқариш корхоналари комбинати шундай корхоналар ҳисобига киради. Ҳозир район партия ташкилоти қолоқлик сирларини ўрганиб, бу корхоналарни ҳам илғорлар сафига кўтариш тадбирларини кўрмоқда.

Актив йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Актив йиғилиши Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига Тошкент области меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятини тасдиқлади.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Р. Н. Нишонов** нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети қишлоқ меҳнаткашларини Октябрнинг юбилейини колхоз ва совхозлар экономикасини янада мустаҳкамлаш, ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни, қишлоқ хўжалигининг ҳамма маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш билан нишонлашга чақиради.

(КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қароридан).

РАМЗИ Абханров Чирчиқдаги трансформатор заводининг илғор газ пайвандчиси. Моҳир ишчи шу кунларда Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейи шарафига мусобақалашаётганлар сафига қўшилиб қувончли натижаларни қўлга киритмоқда.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

ЖОНАЖОН ШИФОКОРЛАР

ХИРУРГ

— Ёшлигимда оғир касал бўлиб, ўлим тўшагида ётганимда меҳрибон шифокорлар менга қайта ҳаёт бахш этган эдилар, — дейди Ўғилхон Каримова. — Шифокорларнинг бу ҳиммати менинг қалбимда ўчмас из қолдирди. Шу касбга меҳр қўйдим. Орзумга эришдим. Дастлаб, Самарқандаги касалхоналардан бирида ишлай бошладим. Кутилмаганда уруш бошланиб қолди. Ватан ҳимоясига отланган жангчиларимиз сиҳат-саломатлигидан кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим эди. Шунинг учун кўплар қатори мен ҳам жанг майдонларига йўл олдим. Ҳозир ҳам шарафли касбимда ишлаяпман.

Ҳа, хирург Ў. Каримова Тошкентдаги 15-шаҳар касалхонасининг етук шифокорларидан бири ҳисобланади. У моҳир хирург сифатида кўпчиликка танилди. Шу кунгача 500 дан ортиқ операция қилди.

Хирург ёш медицина ходимларига устоз бўлиб қолди. У касалхона жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб келмоқда. Жонкуяр хирургнинг шарафли меҳнати муносиб тақдирланди. Унга яқинда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени берилди.

С. СУЛТОНОВ.

МИНГ РАҲМАТ!

Янгийўл районидаги 4-наслчилик совхозида боргани сиз. Совхознинг шимолий шарқига томон юришингиз билан гўзал манзара кўз олдингизда намоён бўлади. Айниқса, ёз ойлари бу ер ажойиб чирой касб этади. Бир томони қир, яна бир томонда дарахтлар. Тоза булоқ сувларини айтмайсизми?!

Шу хушманзара ерда совхоз касалхонаси жойлашган. Бу касалхона хизматидан Энгельс номли, Собир Раҳимов номли ва «Ленинград» колхозлари аъзолари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Меҳрибон врачлар тиниб-тинчиш нима эканлигини билишмайди. Коллективга моҳир шифокор Усмон Носиров раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда Е. Бедехова, З. Наурзакова, О. Бекирова каби ҳамширалар хизматидан ҳам ҳамма хурсанд бўляпти.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

ЖОНКУЯР

Тун. Ҳамма ширин уйқуда. Пойтахтнинг «Тоҳир» маҳалласида яшовчи Маҳкам ана Расулевнинг қарорати қўтарилиб, ўзини билмай қолди Нима қилиш керак? Уйдагилар ҳам маҳаллалари — Чилонзордаги 24-поликлиникانинг бош врач ёрдамчиси Искандар Самандаровга югуришди.

Терапевт И. Самандаровни маҳалладагилар жуда ҳурмат қилишади. У нажот сўраб келган кишидан ёрдамини аямайди.

И. Самандаров поликлиниканинг жонкуяри сифатида танилди. Шифокорнинг ташаббуси билан бу ерда биохимия кабинети ва эндокринология лабораториялари ташкил топди.

И. ОБЛАЕРОВ.

Врач А. Хафизов Тошкентдаги 15-шаҳар клиник касалхонасининг тажрибали хирурги сифатида танилди. У жуда кўп беморларни муваффақиятли операция қилди. Суратда: хирург А. Хафизов операция пайтида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОН

Совет халқи революция ишига чексиз садоқат намуналарини кўрсатган В. И. Чапаевни унутмайди. Унинг номи ўша оловли йиллардаги қаҳрамонлик тимсоли сифатида ҳозирги миннатдор авлод қалбида, ажойиб большевик ёзувчи Д. А. Фурмановнинг машҳур «Чапаев» романида яшамоқда.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Советлар юрти, қаҳрамон халқимиз асримизнинг катта тўйига — Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейини нишонлашга мисли кўрилмаган кўтаринкилик билан тайёргарлик кўрмоқда. Бу эллик йилликда халқимизнинг сон-саноқсиз фарзандларининг революцион шижоати, фидокор умри, меҳнат-ижоди, буюк Ленин ва Улуғ Октябрь ишига, партиямизга садоқати жамланган. Ер юзининг олтидан бир қисмида дунёда биринчи бўлиб янги ҳаёт барқарор қилиш учун жонбозлик кўрсатганлардан талайгина киши бугун орамизда йўқ. Совет халқи катта юбилей йилида уларнинг порлоқ хотирасини, афсонавор қаҳрамонликларини чуқур ҳурмат билан эсга олмоқда. Шулардан бири гражданлар урушининг қаҳрамони, талантли ҳарбий командир Василий Иванович Чапаевдир. Унинг туғилганига (1887—1919 йил) эртага 80 йил тўлади.

В. И. Чапаев меҳнаткаш халққа эрк ва ҳуқуқ бахш этган, шу эрк ва ҳуқуқни адолатли курашда сақлаб қола олган буюк социалистик революциямиз рўёбга чиқарган, тарбиялаб, чиниқтирган истеъдодли ва довюрак саркардалардан биридир.

Капиталистик эксплуатацияга асосланган ҳаётнинг оғир машақатлари, эрксизлик ва ҳуқуқсизлик мусибати Василийни ёшлигиданоқ жабр-зулмга нисбатан исёнкор, муросасиз қилиб тарбиялайди. Ёш ликдаги сарсон-саргардонлик, чор ҳукумати армиясидаги ҳуқуқсиз ва таҳқирли хизмат Чапаевнинг характери ҳамда дунёқарашида чуқур из қолдиради. У фронт ва унинг ичкарисидаги сиёсий ҳаётни диққат билан кузатиб боради, машҳур ҳарбий саркардаларнинг биографияси ва бошқа адабиётлар билан ҳам танишади.

В. И. Чапаев 1917 йилнинг сентябрида большевиклар партияси сафига киради. Сиёсий вазиятни тушуниб олиш ва тўғри йўлни топишда собиқ дурадгор Чапаевга Октябрь социалистик революцияси ёрдам беради. 1917 йил декабрида у полк командири қилиб сайланади. 1918 йил бошларида эса, партия уни Николаевск шаҳрига ҳарбий комиссар қилиб юборади.

Николаевскдан қайтгач, Чапаев ўзи туғилиб ўсган Поволжьеда Совет ҳокимиятини ўрнатишда актив иштирок этади. Большевиклар партиясининг топшириғи билан у бу ерда қисқа вақт ичида Қизил Армия отрядларини тузишга эришади. Афсонавор қаҳрамон, жасур қўмондоннинг жанговар йўли ҳам ана шу ерда бошланади. Чапаев 400 кишилик отрядга бош бўлиб, қулоқ-эсерларнинг бир неча контрреволюцион исёнини бостиради. Николаевскка бостириб кирган оқ казаклар қисмини тор-мор келтиради.

Василий Иванович ташкил этган отрядлардан кейинчалик Пугачев номли бригада юзага келади. Бригада Чапаев қўмондонлигида 1918 йил августда яхши қуроллангган йирик чехословак исёнчилар корпуси ва оқ казаклар устидан ғалаба қозонади. Контрреволюцион кучлар устидан қозонилган бундай ишончли ғалабалар В. И. Чапаев довруғини қарийб бутун Россияга таратади. У бутун мамлакатга енгиб бўлмас, талантли ҳарбий бошлиқ сифатида танилади.

Советлар ҳокимиятини ҳимоя қилиш иштиёқи билан ёнган ишчи ва қишлоқ ёшлари кўнгилли бўлиб, бажонидил Чапаев қўзурига келардилар. 1918 йил сентябрида Пугачев бригадаси Николаевск дивизияси составига киритилиб, унга Чапаев командир этиб тайинланади. Бу дивизия Совет ҳукуматининг қарори билан ташкил этилган Шарқий фронтда Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳарбий диктатори, Антанта қўппаги — Колчакка қарши жанг қилади.

Колчак тўдаларига қарши олиб борилган оғир ва машаққатли жангларда Чапаев талантли, довюрак, мағлубиятни билмайдиган тажрибали командир сифатида шуҳрат қозонади. Чапаевда Коммунистик партияга садоқат, революция ғалабаларини темир ирода билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, вазиятни тез ва тўғри баҳолаш, душманга қақшатғич зарба бериш каби ҳислатлар мужассамланган эди. Қизил Армия жангчилари, меҳнаткашлар, айниқса деҳқонлар Василий Ивановичга илиқ муҳаббат қўйгандилар. Дивизия раҳбари доим жангчилар ичида бўлиб, уларга революция солдатига ҳос нодир ҳислатларни сингдирарди.

1918 йил ноябрида партия Василий Ивановични Москвага Генерал штаб академиясига ўқишга юборади. Толмас жангчи ва содиқ революционер ўз ўрнини контрреволюционерлар билан қонли кураш кетаётган жойда, деб ҳисоблайди. Шахсий илтимосига кўра академияда ўқишдан озод қилинади. Колчакнинг янги ҳужуми билан Шарқий фронтда аҳвол жуда танглашиб қолган (1919 йил февраль) бир пайтда у армия сафига қайтиб келади. М. В. Фрунзе Чапаевни бригада командири қилиб тайинлайди, Орадан кўп ўтмай 1919 йил апрелида эса, 25-ўқчилар дивизияси командири бўлади. М. В. Фрунзе синалган ва матонатли большевик Д. А. Фурмановни Чапаевга комиссар қилиб юборади.

Ўқчилар дивизияси фронтнинг энг муҳим участкаларидаги жангларда бир неча бор ўзини кўрсатиб, ажойиб ҳарбий саркарда М. В. Фрунзенинг юксак баҳоларига сазовор бўлади. Колчакнинг таянч пунктларидан бири Уфани озод қилиш жангларида 25-дивизия ўз номини сўнмас шон-шуҳратларга буркайди. Жанговар операцияларга маҳорат билан раҳбарлик қилгани ҳамда шахсан мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатгани учун В. И. Чапаев Қизил Байроқ ордени билан, дивизиянинг ҳамма полки эса, фахрий революцион Қизил байроқлар билан тақдирланади.

Колчакнинг жанубий армияси тор-мор келтирилгач, совет қўмондонлиги 1919 йил июнда 25-Чапаевчилар дивизиясини Урал оқ казакларига қарши курашга йўллайди. Чапаевчилар июлнинг бошидаёқ Уральскни қамал қилиб ётган оқ казаклар қўшилмасини тор-мор келтириб, генерал Савельевнинг отлиқлар корпуси қолдиқларини Урал области жанубига суриб ташлайди. Шундай қилиб, ўлка контрреволюцион ифлослардан тозаланади.

1919 йил сентябрининг бошларида 25-дивизия штаби Лбишченскда турарди. Дивизиянинг асосий кучлари анча илгарилаб кетган. Ана шундан фойдаланиб, оқ казакларнинг йирик отлиқлар отряди 4 дан 5 сентябрга ўтар кечаси штабга тўсатдан ҳужум қилади. Ана шу тенгсиз жангда гражданлар урушининг қаҳрамони Василий Иванович Чапаев жасурона ҳалок бўлади. Бу Чапаев дивизиясини ўзига бирлаштирган 4-армия учун оғир йўқотиш эди.

Фронт Ҳарбий Революцион Советининг қарори билан 25-дивизияга Чапаев номи берилади. Бу дивизия ўз командири традицияси бойитиб, жануб томон қаҳрамонона юришни давом эттиради. 1920 йил 5 январда чапаевчилар ниҳоят оқ казакларнинг сўнгги таянчи ва базаси Гурев шаҳрини эгаллайдилар.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

„БАҲОР“ СИНГАПУРДА

КУАЛА-ЛУМПУР, 7 февраль. (ТАСС). Маҳаллий матбуот хабар беришича, республикада сўнгги саккиз кун мобайнида томоша кўрсатаётган Ўзбекистон ССР давлат халқ рақс ансамбли — «Баҳор»нинг мақомлари нозиклиги ва гўзаллигидан сангапурликлар лол қолганлар.

Мазкур ансамбль кўрсатган 11 томошада 40 мингдан ошиқ сингапурлик, жумладан, республика президенти Юсуф Бин Исҳоқ, Бош министр Ли Куан Ю ва унинг ўринбосари доктор То Чин Чьелар ҳам ҳозир бўлганлар.

Совет рақс труппаси Сингапур президентига ва бош министрга ўзбек миллий сарпосини кийгизди.

Ансамблнинг 12 вакилдан иборат составдаги группа маданият ва ижтимоий ишлар министри Отман Вок ҳузурига ҳурмат қилиб ташриф буюрди. Ўзбек труппаси министрга ўзбек чойнак-пиёлаларини ҳадя этди. Отман Вок бунга жавобан труппа аъзоларига Сингапур манзаралари расмларини совға қилди.

«Сизнинг музикангиз ва сизнинг рақсларингиз бизни ҳамиша қизиқтириб келди, бу томошалар бизнинг икки мамлакатимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни зўрайтиришига имконим комил» — деди у.

Кеча «Баҳор» ансамбли Куала-Лумпурга келди. Малайзия пойтахтининг ҳамма кўчалари ранг-баранг эълонлар билан безанган. Эълонлар Совет Иттифоқидан келган труппа биринчи томошасини 6 февралда миллий стадион — «Негара»да кўрсатажагини Куала-Лумпур гражданларига хабар қилади. Томошаларнинг билетлари сотилиб бўлган.

ҚОТИЛЛАРГА ЗАРБА

ДОРУССАЛОМ. 6 февраль. (ТАСС). Мозамбик озодлик фронти отрядларининг жангчилари 1967 йил январь ойининг биринчи ўн кунлиги давомида Кабу Делгаду вилоятида Португал қотилларидан 33 кишини ўлдиридилар, Португал солдат ва сержантларидан кўп кишини ярадор қилдилар. Мозамбик озодлик фронти қароргоҳининг бу ерда тарқатган ахборотида ана шу ҳақда хабар қилинади. Намбуде қишлоғининг аҳолиси 2 январда Мундумбе билан Муеде ўртасидаги йўлда пистирма уюштириб, қотиллар тушган Португал ҳарбий юк автомашинасини яксон қилди.

Ватанпарварлар зарба бермоқдалар

ХАНОЙ, 6 февраль. (ТАСС). Озодлик армиясининг жангчилари ва Жанубий Вьетнам халқи, дейилади ВИА агентлиги Озодлик агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарида, ўтган йил Тхўзаумот вилоятида душманнинг 15.986 солдатини, шулар қаторида Американинг 8 мингга яқин солдатини сафдан чиқардилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душман қўшинларига қарши олиб борилган жангларда 234 та самолётни уриб туширдилар ва шикастлантирдилар, 409 та ҳарбий транспорт воситаларини батамом яксон қилдилар ёки шикастлантирдилар, битта ҳарбий кемани сувга ғарқ қилдилар, 90 га яқин кўприкни емириб ташладилар ва 21 та «стратегия қишлоғи»ни вайрон қилдилар.

● Пном-Пень (Камбоджа). Сўнгги йиллар ичида мамлакат пойтахтида янги турар-жой кварталлари қад кўтарди. Суратда: янги қурилиш районы.

В. Харьков фотоси, ТАСС фотохроникаси.



ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Пекиндаги СССР элчихонаси олдида безориларнинг вахшийларча, бебошлиги аввалгидек давом этмоқда. Тўла қувват билан ишга солинган репродукторлар қарийб икки ҳафта мобайнида кечаю-кундуз бағиллаб турибди. Карнайлардан Советларга қарши ҳақорат сўзлари айтилмоқда. Совет кишиларига дўқ қилинямоқда. Безорилар СССР элчихонасининг фаолияти учун тўсқинликлар ва чидаб бўлмайдиган шароитлар вужудга келтирибгина қолмай, Пекиндан совет аёллари ва болаларини кўчириб кетишга ҳам тўсқинлик қилмоқдалар. СССРнинг ХХРдаги элчихонаси ҳамда Пекиндаги бошқа совет муассасалари ходимларининг аёл ва болаларининг иккинчи группаси етти соат ушлаб турилганидан сўнг, жуда кечга бориб Ватанига жўнаб кета олди.

«Мао Цзэ-Дун отрядларининг жангчилари» совет кишиларини кўчириб кетишга ҳар қанақа йўллар билан ҳалақит бердилар. Улар жўнаб кетаётганларнинг ҳужжатлари ва багажини расмийлаштирган Совет дипломатларини ҳақорат қилдилар. Пекин аэропортининг биноси Советларга қарши ғаразли шиор ва плакатлар билан қоплаб ташланган эди. Аэродромдаги жуда катта планаталардан бирида: «Барчани совет самолётларига одам туширишга йўл қўймасликка чақирамиз» деб ёзилган эди.

Аэропортда совет дипломатларини кўп соатлар мобайнида қуршаб туриб, хатто ўтиришларига ҳам имкон бермадилар. Бошқа социалистик мамлакатларнинг дипломатик ходимлари ҳам ҳақорат қилинди. Безорилар қандай қилиб бўлсада, ўртада муштлашиш чиқаришга урининб кўрдилар.

СССР элчихонасининг бир неча бор кескин норозилик билдиришига ҳамда бебошликларни тўхтатиш ва совет кишиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун дарҳол зарур чоралар кўрилишини талаб этишига Хитой Ташқи ишлар министрлигининг расмий вакиллари қўпол рад жавобини бердилар. Безорилларнинг вахшийларча ҳатти-ҳаракатлари бутун дунё олдида ошкор бўлиб қолишдан қўрқкан Хитой маъмурлари «бутун чет элликларга аэропортда ва шаҳарда сурат олиш таъқиқланади» ва «Бунга қулоқ солмайдиганлар қаттиқ жавобгарликка тортилади», деб эълон қилдилар.

Аёллар билан болалар аэропортга келганларида, ҳаддидан ошган оломон улар тушган автобусларга бўёқ чаплаб ташладилар. Советларга қарши шиорларни айтиб қичқирдилар ва дўқ қилдилар. Совет аёлларини ва болаларини самолётларга вахшийларча дўқ уриб қичқираётган ва муштўхталаётган хунвэйбинлар ва цзаофанлар сафи орасидан ўтишга мажбур этдилар.

Пекин аэропортида Советларга қарши бебошликлар қилинаётганида на полиция, на ҳарбий маъмурлар (ҳозирги вақтда аэродром шуларнинг контролида) совет кишиларига нисбатан игвогарликларга тўсқинлик қилиш ўққа турсин, аксинча бу шаллақиликларда ўзлари ҳам қатнашдилар.

Бугун Пекиндан совет ходимлари оилаларининг сўнгги икки группаси учиб кетди. Бир қанча дўстона мамлакатлар элчихоналарининг дипломатлари ва ходимлари совет гражданларига катта ёрдам ва мадад бердилар.

Советларга қарши васвасанинг ташкилотчилари мақсадларига — совет оилаларининг Пекиндан жўнаб кетишларига йўл қўймасликка эриша олмагач, аламларини аэродромдан қайтаётган дипломатларимиздан ола бошладилар. Тўпалон қилаётган оломон 21 совет ходими тушган автобусимизни қуршаб олди. Улар қуршовдан чиқиб, элчихонага қайта олмаётганликларига мана 12 соат бўлди.

Совет кишилари чидам билан мардонавор турибдилар, игвогарликларга учмаяптилар. Улар Хитой маъмурлари вужудга келтирган вахшиёна вазиятга тушиб қолган ҳар бир совет кишисининг тақдирини совет халқи ва Совет ҳукумати ҳушёрлик билан тинмай кузатиб турааётганликларини билиб, дадил турибдилар.

Айни вақтда информация агентликларининг Хитойдан бераётган хабарлари «маданий революция» деб аталмиш машмашага аввалгидек бутун мамлакатда кучли қаршилик кўрсатилаётганлигидан далолат беради. «Жапан таймс» япон газетасининг Пекиндаги мухбири ёзишича, Маога қарши актив ҳаракат ҳозирга қадар фараз қилинганидан ҳам кўпроқ вилоятларга ёйилган.

Кантон (Гуанчжоу), Шанхай, Тайюан, Чанша, Цзинань ва бошқа шаҳарларда ишчиларнинг хунвэйбинлар ва «исёнкорлар» билан шиддатли тўқнашувлари рўй бермоқда. Шанхайда чиқадиган «Вэнь-Хуэй Бао» газетасининг ёзишича кура, Шанхай шаҳар партия комитети «Цзаофанлар»га жиддий қаршилик кўрсатаяпти. Газета Хитойнинг мана шу энг йирик шаҳрида Хитой Коммунистик партиясининг шаҳар комитети ва шаҳар маъмурлари «кураш тиғини маданий революция ишлари группасига қарши системали ва атайин қаратаётганликлари»дан иолимоқда. Мао Цзэ-Дунга қарши чиқаётганларга деҳқонларнинг ёрдам кўрсатаётганликлари улардаги янги куч-ғайратларнинг «энг хавфли жиҳатидир», деб таъ олади Пекин радиоси.

Кантондан (Гуанчжоу) хабар беришларича, у ерда 25 январдаги тўқнашувлардан бирида шаҳар партия ташкилотининг саккизта раҳбар ходими ўлдирилган. Франс Пресс агентлигининг мухбири хабар берадики, урушқоқ хунвэйбинлар ўзлари ўлдирган кишиларни шаҳар партия комитети биноси олдига судраб келиб, уларни таҳқир этганлар найза тиққанлар.

Рўй бераётган воқеаларга актив равишда аралашаётган армияда ҳам Мао Цзэ-Дун тарафдорлари билан маҳаллий партия органларини қўллаб-қувватлаётганлар ўртасида тўқнашувлар бўлаяпти.

Мао Цзэ-Дун ғояларини «чуқур билиш» ва ўрганиш ҳозирги вақтда Хитойда «Янги тартиб»га содиқлик низоми бўлиб ҳисобланади. Раис Мао йўлига қўшилмаган ҳар бир кимса қамоққа олинаяпти. (ТАСС).

ТАЙЁРЛОВ ПУНКТИДА

Ўтган йили пункт ходимлари Калинин районидаги Куйбишев номли колхозда, Фарғона, Андижон ва Сирдарё область хўжаликларидан 10 минг тоннага яқин картошка ва турли сабзавот маҳсулотлари тайёрлаб Тошкент шаҳар аҳолисига етказиб бердилар.

Улар шу кунларда ҳам пунктда сақланаётган сабзи, пиёз, тузланган бодринг ва помидор каби маҳсулотларни шаҳар аҳолисига етказиб бериш билан бир қаторда бу йил етиштириладиган маҳсулотларни қабул қилиб олишга ҳам тайёргарлик кўришмоқда.

Шу кунларда тайёрлов пунктида помидор солинадиган 20 минг та ящик тахт қилинди. Эртаги карамни уринтирмай шаҳар аҳолисига етказиб бериш учун ишчилардан М. Абдуллаева, З. Кичигина ўртоқлар махсус ящиклар тайёрламоқдалар. Ҳар бирига 30 килограммдан махсулот сиғадиган 30 минг дона ящик эртаги карам пишиб етилгунча тайёр бўлади.

Шунингдек, пункт ходимлари турли сабзавотлар сақланадиган биноларни ремонт қилишни ҳам бошлаб юбордилар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.
«Ташплодоовошчторг»нинг «Ўзгариш» пункти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Таҳририятидан изидан

«КАДРЛАР ҚЎНИМСИЗ, ИШ УНУМСИЗ»

Урта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози ўтган йили областимизда планни бажармаган ягона хўжалик бўлиб қолди. Бунинг сабаблари газетамизнинг шу йил 6 январь сонида босилган «Кадрлар қўнимсиз, иш унумсиз» сарлавҳали мақолада очиб ташланган эди. Жумладан, мақолада техникадан унумли фойдаланилмаганлиги, меҳнат интизомининг ёмонлиги, агротехника қоидаларининг бузилиши, мутахассис кадрларнинг тез-тез алмашиниб туриши каби ҳоллар пахта ҳосилининг пасайишига сабаб бўлганлиги танқид қилинган эди.

Мақола район партия комитетининг кенгайтирилган бюро йиғилишида муҳокама қилиниб, унда кўрсатилган фактлар ва танқидий мулоҳазалар тўғри деб топилди. Партия комитети колхоз правлениеси томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқди. Колхозда сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласи билан чуқур шуғулланиш район қишлоқ хўжалиги бошқармасига ва колхоз партия ташкилотига топширилди.

БИЛИМ — ОММАГА

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИЛАР

КПСС XXIII съезди партия ташкилотлари олдига ғоявий-сиёсий тарбиянинг ҳамма форма ва воситаларини тинмай такомиллаштириб бориш вазифасини қўйди. Ишни шундай ташкил этмоқ керакки, деб уқтирди съезд, натижада партия пропагандаси, оммавий агитация, маданият, халқ маорифи ва таълим, хуллас барча воситалар совет кишиларининг марксча-ленинча онгини шакллантириш каби олижаноб мақсадга, коммунизм қурилиши буюк ишига хизмат қиладиган бўлсин.

Тараққиёт эҳтиёжидан келиб чиқадиган ана шу талабларни ўринлатишда меҳнаткашлар ўртасида илмий ва сиёсий билимларни ёйовчи «Билим» жамияти ташкилотлари ҳам анчагина ибратли ишларни қилмоқдалар. Бу фикрнинг исботи учун Тошкент областининг шаҳар ва қишлоқларида зиё тарқатаётган ташкилотлар, лекторлар фаолиятидан кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Ўтган йили Оққўрғон район меҳнаткашлари пахтадан мўл ҳосил етиштириб, катта муваффақиятларга эришдилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўлга киритилган зафарлар ҳам салмоқли бўлди. Ана шу ютуқларда «Билим» жамияти район ташкилоти ва унинг 300 кишидан ортиқ актив аъзоларининг ҳам маълум ҳиссаси бор. Ташкилот аъзоси бўлган механизатор ва агрономлар, ўқитувчи ва врачлар, тажрибали ва билимдон деҳқонлар кучи билан ўтган йили район меҳнаткашлари учун 5 мингтага яқин лекция ўқилди. Лекциялар тематикаси Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг муҳим қарорлари, мамлакатимиз фани ва техникаси эришган ютуқлар, СССР ва чет эл мамлакатларидаги муҳим воқеаларни ўз ичига қамраб олади. Калинин номли колхоздаги ўрта мактаб директори А. Чинтошев, Куйбишев номли колхоз раиси Совғабоев, Энгельс номли колхоздаги мактаб ўқитувчиси А. А Ким ва бошқаларни тингловчилар аудиториясида жуда ҳурмат қилади. Улар ўз лекцияларни район, колхоз, алоҳида олинган бригада ёки участка олдида турган муҳим вазифалар билан боғлашга алоҳида эътибор берадилар.

Оққўрғон район партия комитети лекция пропагандаси масаласига жиддий эътибор билан қарайди. Бу ерда пропагандист ва лекторлар учун мунтазам равишда семинар машғулотлари ўтказилиб турилади. «Билим» жамияти ташкилотининг энг актив аъзолари тажрибаси ўртоқлашилади, лекторларни район ҳаётига оид фактлар билан таништириб турилади.

Районда 8 та халқ университети ишлаб турибди. Бу университетлар машғулотига қатнашувчилар гигиена ва саломатлик, чорвачилик, луб экинларидан мўл ҳосил етиштириш йўллари, педагогика билимлари билан ошно бўлмоқдалар.

Тошкентлик олимлар ҳам район меҳнаткашлари ҳузурига тез-тез меҳмон бўлиб келиб турадилар. Фаннинг турли соҳаларига мансуб олимлар иштирокида район марказида ва колхоз клубларида ўтказилиб турадиган тематик кечалар ва савол жавоб кечалари ҳаммада бой таассурот қолдиради.

Юқорида келтирилган ижобий жиҳатлар билан бирга лекция пропагандаси соҳасида районда анчагина жиддий камчиликлар ҳам бор. Коммунистик тарбиянинг лекция пропагандасиден муҳим соҳасига ҳамма жойда ҳам лозим даражада эътибор берилади, деб бўлмайди. Ленин номли (партия ташкилотининг секретари К. Когай), «Победа» (партия ташкилотининг секретари Ан Ман Хо) колхозлари, «Коммунизм» (партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Исломов) совхози ва бошқа бир қатор хўжаликларда меҳнаткашлар учун оқда-сондагина лекция ўқилади. Бу жойларда партия ташкилотлари ғоявий тарбия иши билан етарли шуғулланмайдилар, лекция пропагандаси бўйича планли тадбирлар белгиланмаган, «Билим» жамиятининг бошланғич ташкилотлари номигагина тузилган бўлиб, бутун умидни Тошкентдан келадиган лекторларга боғлаб ўтирилади.

Кези келганда лекторларнинг маҳорати ва лекцияларнинг мазмуни тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак. Айрим лектор-пропагандистларнинг чиқишлари мустаҳкам мантиқий фикрларга камбағал, мазмунан саёз бўлади. Улар ўзлари мустақил лекция текстларини аҳён-аҳёнда тайёрлайдилар. Бунинг устига жамиятнинг область ташкилоти тайёрлаб фойдаланишда унга маҳаллий фактларни қўшишга ҳам жиддий эътибор берилмайди. Бу эса лекцияларнинг жонли бўлиши ва таъсирчанлигини йўқотади. Районда илмий атеизм, адабиёт ва санъат бўйича халқ университетлари йўқлигини ҳам жиддий нуқсон деб ҳисоблаш керак. Меҳнаткашларни атеистик ва эстетик руҳда тарбиялаш вазифалари ана шундай халқ университетларини ташкил этишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми қарорида қишлоқда турмуш маданиятини юксалтиришда билимларни пропаганда қилиш, ўтмиш сарқитларига қарши кураш ва янгича урф-одатларни жорий қилиш муҳим роль ўйнашлиги уқтириб ўтилди. Ана шу ишларни амалга оширишда «Билим» жамиятининг маҳаллий ташкилотлари ва лекторлар жонбозлик кўрсатишлари лозим.

Ҳозир бутун мамлакат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Кураш ва ғалабалар билан босиб ўтилган шонли 50 йилнинг ғоявий-сиёсий мазмунини, Коммунистик партия раҳбарлигида халқимиз кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлар моҳиятини, революциямизнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини қишлоқ меҳнаткашларига юксак савияда тушунтириб бериш қишлоқда билим тарқатувчиларнинг шу кундаги энг актуал вазифасидир.

Ж. МУМИНОВ
«Билим» жамияти Тошкент область ташкилотининг референти.

АЛЛО, ҲОРМАНГЛАР!



Абонент стативлари чиқиллаб ишлаб турибди. Абонентлар бир-бири билан уланаяпти. Ун ярим мингта номер бор бу ерда. Бирйўла юзлаб абонентлар ўзаро автоматик усулда боғланади. Ҳиёл ишкал сезилса борми, қизил чироқлар дарҳол лип-лип ёниб хабар қиладди. Станция залида навбатчилик қилаётган техниклар шу заҳотиёқ оёққа туришади. Ҳайтовур бундай кўнгилсиз ҳоллар онда-сонда камдан-кам учрайди. Чунки техниклар аппаратлар ҳаракатидан бир зум бўлса-да кўзларини узишмайди. Авариялариинг олдиндан, содир бўлмай бартараф этишга улгуришади.

Қулоғига наушник таққан киши залнинг охиридаги статив кабелларини кўздан кечириб юрибди. У ўттиз еттинчи йилдан бери алоқа системасида ишлаб келаяпти. Биринчи йиллар оддий монтёр эди. Кейин алоқа техникумида ўқиб билимини, малакасини оширди. Орада немис-фашистлари билан бўлган ҳаёт-мамот жангларида ҳам қатнашди. Лекин душманни Берлингача қувиб боролмади. Карпатдан қайтди. Шу ерда-у қатнаш яраланиб қолган эди.

Асад ака соғайиб яна ўз дўстлари бағрига, ўз касбига қайтди. Яна телефон станция сида оддийгина ишини давом эттиришга тутинди. Ўтган йиллар давомида у озмунча ускунани монтаж қилмади. Асад ака меҳнат қилаётган ВЗ-АТС йил сайин яшариб бораяпти. Ажойиб автоматик аппаратлар ишга туширилаяпти. Асад ака шуларни кўриб ич-ичидан қувонади. Қисқа вақт ичида кустар ускунали корхонанинг улкан автоматик телефон станциясига айланганидан шодланади.

Ҳозир Асад Отабеков билан бир сафда қўплаб ёшлар ҳам меҳнат қилишяпти. Асад аканинг шогирдлари Анатолий Павлов, Христина Фандозис каби абжир йигит-қизлар устоз ишини давом эттиришмоқда. Уз муаллимларидек шаҳар телефон алоқасининг нормал ишлашини таъминлашяпти.

Аза Орлова ҳам алоқачилар ветерани. Яқинда ҳамкасблари уни 38 ёшга тўлган куни билан қутлашди. 38 ёшлик аёлнинг нимаси ветеран экан дерсиз балки. Гап шундаки А. Орлова меҳнат дафтарчасининг очилганига ҳозир 25 йил тўлди. Аза автоматик телефон станциясига ишга келганида 13 ёшли озгингина қизча эди. Қаранг, ўша кунларга ҳозир чорак аср бўлибди. Иллар ўтиши билан Аза ҳам ўсди-улғайди. Дўстлар меҳрига қонди. Оилали, уйли-жойли бўлди. Ғайрат қилиб, коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлди. Шу кунларда у мураккаб участкаларнинг бирида монтёрлик қиляпти. Соч толасидек ингичка симларни бир-бирига моҳирлик билан боғлаб олис жойлардаги ёр-биродорларингиз овозини қулоғингизга етказяпти.

Сиз кўрмайдиган, аммо хизматидан ҳар куни, ҳар соатда фойдаланадиган кишилар жуда ҳам кўп бу ерда. Мабодо бирор телефон номери ёдингиздан кўтарилган бўлса, дарров «09»ни теришингиз, Шунга одатлангансиз. Трубкани у ерда Р. Боботиллаева ёки С. Мингалиева олади, Е. Коновалова ҳам шу ерда, хизматингизга тайёр. Уларнинг хаммаси коммунистик меҳнат зарбдорлари, катта тажрибага эгадирлар. Телефонли дўстингизнинг исм-фамилиясини ёки керакли корхона, муассаса номини тўлиқ қилиб айтсангиз улар узоғи билан 11—12 секундда сизга шу номерни топиб беришади. Мушкулингизни осон қилишади.

Зилзиладан сўнг справочное бюро янги бинога кўчди. Ҳозир Энгельс кўчасидаги Б8-АТС биносида «09» телефонистка-лари учун 14 та махсус янги стол монтаж қилиб берилган. Столлар телефонистка-ларнинг ишлаши учун жуда ҳам қулай.

Адреслар алфавит бўйича тартиб билан картотекаларга териб қўйилган.

Янги бинода телефонистка-лардан ташқари абонентларнинг ўзлари учун ҳам бир қулайлик туғдирилган. Агарда телефонингиз бузулгудек бўлиб қолса ҳеч ўйланмай, уста қидириб овора бўлмай Б-8-11-11 га қўнғироқ қилинг. Н. Ивкина доимо телефон ёнида ўтиради. Адресингизни, телефон номерингизни журналга ёзиб олади-да, дарров уйингизга тажрибали монтёрлардан бирини жўнатади. Ёки кабель линияси орқали телефонингизни текшириб кўради.

Сизга кўринмайдиган телефонистка-лар монтёр ва техниклар иши шунақа. Ҳамшаҳарлар хизматини ўтаб эртани кеч қилишади. Пойтахтимиз телефон станциялари бир дақиқа ҳам ишлашдан тўхтамайди. Стативлар чиқиллагани-чиқиллаган. Телефонистка-лар ҳали у абонентга, ҳали бу абонентга жавоб қилишдан тинмайди. Телефонлар устма-уст жиринглаб қулоқни қоматга келтириб турса ҳам ҳеч ким асабланмайди, қўпол муомала қилмайди. Уларнинг касби шунақа. Аниқ ишлаб, ширинсухан бўлиб шу оддий касбин шарафлашга ўринишади.

Ж. НОСИРОВ.

Суратларда: чорак асрдан бери ВЗ — АТСда меҳнат қилиб келаётган донгдор монтёр Аза Орлова янги монтаж қилинган телефон кабелларини кўздан кечиряпти. Юқорида эса ёш техник Христина Фандозисни кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

ДИЛИНГ ЧИРОЙЛИК

Мақтамайман қалам қошинг, шахло кўзингни,
Сумбул сочинг, қора холинг, ширмон юзингни.
Мақтамайман, оппоғим деб, ширин сўзим деб,
Тиниқ кўкнинг зуҳро қизи — нур юлдузим деб.

Балки мени севмас дея ғам чекма эй ёр,
Дилинг кўзгусини чил-чил синдирма зинҳор.
Юрагимда асраганим айтаман сенга:
Мунис дўстсан, вафодорсан ҳамиша менга.

Улуғ жангда ишқинг билан илгимдан тутдинг,
Тотиб ҳижрон азобини ўлимни кутдинг.
Ташламадинг бегонага нигоҳингни ҳеч
Юрагингда ардоқладинг севгим эрта-кеч.

Билагингдан тутқазмадинг жоним, нигорим
Ойдин йўлдан адашмадинг номусим-орим.
Мени дединг чаман-чаман боғлар яратдинг
«Оқ олтин»дан осмонўпар тоғлар яратдинг.

Ғолиб бўлиб қошгинангга шон қучиб келдим,
Муштоқ эдим висолингга тез учиб келдим.
Шундан бери пахтазорда мададкоримсан,
Аҳдга вафо билан бахтни топган ёримсан.

Баҳоламай, гўзаллигинг сирти-тошингдан
Мен парвонанг бўлай сенинг азиз бошингдан.
Юрагингдан излаб топдим инсон кўркини,
Алишмайман минг парининг ҳуснига уни.

Усмон ЖОНГИТОВ.

Тошкент янгиликлари

АТЕИСТЛАР КУНИ

ХАМЗА номли илмий атеизм уйи ходимлари пойтахтдаги гўшт комбинатида қизиқарли темада кеча ўтказишди. Лекторлардан С. Городес, И. Эрбўтаев, Н. Хожиев ва бошқа ўртоқлар атеистик мавзуларда лекциялар ўқидилар. Пировардида тингловчиларнинг диннинг моҳияти, фаннинг динга қарши курашига оид қатор саволларига батафсил жавоб бердилар. Кеча комбинат ишчи ва хизматчиларида яхши таассурот қолдирди.

КУЧАЛАР КЎРКАМ БЎЛАДИ

ПОЙТАХТНИНГ Пушкин кўчасида иш қизғин. Экскаваторлар кетма-кет келиб турган самосвалларга тупроқ ортяпти. Бу катта кўчада ҳозир реконструкция ишлари олиб борилянти. Бу вазифани шаҳар йўл қурилиш ремонт трестининг оболонаштирилиш бошқармаси ишчилари адо этишяпти.

Маълумки, шаҳарнинг мазкур марказий магистрали машина ва пассажир қатнови учун торлик қилиб қолган эди. Ҳозирда кўчанинг Революция сквердаги то Дархон ариққача бўлган қисми 10—16 метргача кенгайтирилянти асфальт бетон ётқизилянти.

Пушкин кўчаси янада кўркам бўлади. Ариқлар кенгайтирилиб, кўчатлар ўтқазилади.

ОММАБОП КИТОБЛАР

Китобхонлар «Асаларилар ва медицина» деган китобдан асал, она асалари сути, гул чанги, заҳари ва асаларичилик бошқа маҳсулотларининг шифобахш хусусиятлари тўғрисида кўпгина фойдали маълумотлар олиши мумкин. Китоб автори, биология фанлари кандидати Н. П. Иойриш асаларичилик масалалари билан 30 йилдан кўпроқ шуғулланмоқда. Автор ана шу шифобахш маҳсулотлардан моҳирлик билан фойдаланиш кишиларнинг саломатлигига, уларнинг умрини узайтиришга кандай самарали таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида мароқли формада ҳикоя қилиб беради.

Шу нашриёт чиқарган «Оғиз бўшлиги гигиенаси ва касалликларининг профилактикаси» номли брошюра ҳам китобхонларнинг кенг доиралари учун мўлжаллангандир. Медицина фанлари доктори И. А. Телишевский ва Тошкентдаги биринчи стоматология поликлиникасининг бош врачи М. И. Лавочник бу брошюрада тиш оғриғи пайдо бўлишининг сабабларини, унинг олдини олиш чоралари ва даволаш масалаларини батафсил ёритиб берган.

Нашриётнинг 1967 йилги планида ҳозирги замон назарий ва амалий медицинасининг энг муҳим проблемалари юзасидан китоблар нашр этиш кўзда тутилади. Иссиқ иқлимга хос бўлган бир қанча касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволаш масалалари юзасидан медиклар ёзаётган асарлар «Илмий-оммабоп адабиёт» ва «Практик врач кутубхонаси» сериясида чиқариладиган китобларга киритилади. Нашриёт курорт хизмати ва аҳолига физиотерапевтик ёрдамининг аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида Ўзбекистонда медицина фанининг ана шу муҳим соҳасида кўп йиллардан буён иш олиб бораётган мутахассислардан бири Е. К. Мўминовнинг китобини нашрга тайёрламоқда. Бир қанча китоблар узоқ умр кўриш проблемаларига, турмушда сақланиб келаётган ўтмиш сарқитларини бартараф этиш, саноатда ва пахтачиликда меҳнат гигиенаси масалаларига бағишланади. (ЎзТАГ).

ТАРБИЯ ТЕМАСИДА

ТИЛ ВА ДИЛ КЎЗГУСИ

ТРАМВАЙДА келаётиб бир йигитга кўзим тушди. Катта-кичикни тортиб олдинги эшикдан трамвайга чиқди. Оғзида папирос. Унга қараган кишининг гаши келади: ингичка мўйлов, тўзган соч, олачипор қўйлак, қати мижиғланган сурнайпоча шим. Оғзидан ичимлик ҳиди бурқиб чиқяпти. Кўзлари қизариб, милки бўртиб чиққан. Кондукторнинг бир неча бор огоҳлантиришига қарамай, билет ҳам олмади.

Йигитчанинг шилқимлиги кўзиди. Бир қизнинг оёғини атайин босиб, нордонгина гап ҳам эшитиб олди.

— Узингизни тартибга солиб, ўпкангизни босиб олинг йигитча, — деди йўловчилардан бири.

У деп-синиб, йўловчига алланима демоқчи бўлди-ю, деёлмади. Зимдан кузатиб келаётган икки дружиначи уни олиб тушиб кетди...

Касби-корининг тайини йўқ, ота-онаси ёки қариндош-уруғининг «обрўйи», пули соясида юрадиган, жамоат ўртасида ўзини тутолмайдиган баъзи бир ёшларни учратиб қоласан, киши! Улар ҳеч кимни менсимайдилар, оғизларидан бемаза ҳоралар чиқади. Айтинг-чи, бундай ишёқмас, такасалтанглар кимга ёқади? Ҳеч кимга! Улардан ҳамма нафратланади.

Бундай ахлоқсизлардан қадимдан одамлар нафратланиб келганлар. Паҳлавон Маҳмудни эшитгансиз, албатта. Бу олийжаноб инсон XIV асрда Ҳева шаҳрида яшаб, илмда, меҳнатда, паҳлавонликда жаҳонга машҳур бўлган. Ундан, таъби нозик, ҳушёр кишига энг огир келадиган нарса ҳақида сўраганларида: «Уч юз Кўҳи қоф тогини ўтирда туйиш, фалакнинг тўққиз гумбозини юрак қони билан суваб чиқиш, юз йил зиндонда ўтириш — бир нафас нодон киши билан ҳамдам бўлишдан осон», — деб жавоб берган.

Кўрпасизми, нодон, фаросатсиз, жоҳил, одобсиздан одамлар қанчалиқ нафратланганлар.

Ёмон одатлар, қўрслик, гердайиш, мунофиқлик, такаббурлик, сурбетлик, безорилик — буларнинг ҳаммаси одобсизлик аломатларидир. Ёмон ҳулқ киши асабларини заҳарлаб, инсон умрини қисқартади.

Ёшлик инсоннинг бахт хазинаси тўлган чоғи, энг гўзал даврдир. У киши ҳаётида бир марта насиб бўлади. Бу даврда киши келажак учун ҳам маънавий, ҳам жисмоний куч тўплайди, ҳаётга тайёрланади. Яхши одатлар, яхши ҳулқ, маънавий фазилатлар бахш этади. Бу даврда қўлга киритилган ижобий фазилат инсон ҳаётига гўзаллик бағишлайди.

Бинобарин, кишининг гўзаллиги меҳнатда намоён бўлади. Фидокорлик билан меҳнат қилаётган ва билим олаётган ҳар бир йигит-қиз шу куннинг қаҳрамони коллективдаги эътиборли кишидир.

Бугунги кунимизда халқимизга танилган ва номлари ҳурмат билан тилга олинаётган ёш пахтакорлар ҳақида гапириш, айниқса ёқимлидир. Турсуной Охунова, Маннон Жалолов, Қурбон Кенжаев, Искандар Юсупов каби ёшлар бутун республикамизга танилганларида 17—20 яшар йигит ва қизлар эдилар. Эндиликда уларнинг номлари республикамиздан ташқарида ҳам маълум. Уларнинг ҳаммаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларидир.

Яхши ҳулқли киши ўз хатти-ҳаракатининг ясама, қўпол бўлмай, оддий ва табиий бўлиши учун ўзини-ўзи кузатиб боради. Яхши юриш, бировнинг иззат-нафсига тегмаслик, маъноли қараш, камтарлик, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш — буларнинг ҳаммаси инсон ҳуснига ҳусн қўшади.

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси 7-цехининг мастери В. Саприкин ёш ишчиларга нисбатан кўпинча қўпол муомалада бўлиб келди. Ўз қўл остидаги ёш ишчиларни ўз касбини эъзозлашга даъват этиш ўрнига бўлар-бўлмасга қойийверди. Қисқаси, у ёшлар билан етарли тарбиявий ишлар олиб бормади. Бу, албатта ўзининг салбий натижасини берди. Шу цехнинг ёш ишчиси Ю. Янин нотўғри йўлга кириб кетди. Унинг тақдири билан на мастер, қоловерса на фабрика коллективи қизиқди.

Ҳаётда ёши улуғ, меҳнат тажрибаси ортган кишиларга нисбатан ҳамиша иззат-ҳурматда бўлиш ҳам яхши фазилат ва бурчдир. Катталарни ҳурмат қилиш уларнинг илтимосларини кутиб ўтирмай ҳамма вақт ва ҳар қаерда улар хизматига тайёр бўлишни тақозо қилади. Бунинг учун, аввало, катта ёшдаги кишиларнинг ўзларига нисбатан талабчан, яъни ҳар соҳада — хоҳ ишда, хоҳ оилада, хоҳ юриш-туриш муомалада ёшларга намуна бўлишлари лозим.

Айниқса, раҳбарларнинг ўз ходимларига нисбатан, ҳурмат, ғамхўрлик қилишлари, ёшларнинг обрў-интилишларига диққат-эътибор билан қарашлари тарбияда муҳим аҳамият эга. Бюрократизм, кеккайиш, ёшларнинг талаб-эҳтиёжлари билан ҳисоблашмаслик, менсимаслик кабилар халқ ишонч билдирган кишилар учун тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир.

Ҳали орамизда қолоқ тушунчали кишилар борлигини инкор қилмаймиз. Айрим ёшлар ўткинчи, бемаъни қилиқларга ортиқча берилдилар. Бу тойфадаги кишилар маънавий гўзалликни билим ва меҳнатда эмас, балки турли хил тақинчоқ, безак ва модаларидан ахтарадилар.

Яхши модани ҳеч ким инкор этмайди. Айниқса, кишига эстетик завқ бағишлайдиган ҳар қандай модани бутун жамоатчилик қўллаб-қувватлайди.

Бу борада қизларимизнинг ўзига хос маънавий гўзаллиги ҳақида тўхтаб, ўтмоқчимиз. Одобсизлик, қўпорлик, тантиқлик ҳаммага, айниқса, қизларга мутлақо ёт бўлиши керак. Қизларимизнинг аёлларга хос латофат, дидфаросат, хушмуомала, маъ-навий поклик, софдиллик, озодалик, саранжом-саришталик каби юксак фазилатларга эга бўлишлари ҳаёт талаби ҳисобланади.

Оила-рўзғор илмини ўрганиш, оналарнинг ажойиб моҳир ишларини билиб олиш, шубҳасиз қизларнинг хулқига, чиройига чирой қўшади. Ташқи гўзалликка ҳаддан ташқари берилиш, енгил ҳаёт мафтуни бўлиб қолиш, меҳнат ва қийинчиликлардан қочиш, ота-она ва оиланинг моддий имкониятлари билан ҳисоблашмаслик — бахт ва гўзалликнинг барбод бўлишига сабаб бўлади. Бахт ва гўзалликни инсоннинг ўзи яратади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, вояга етган ҳар бир йигит-қиз ўзининг болалик йилларини эслар экан, ўсиб улғайиши йўлида чинакам ҳаёт йўлига бошлаган меҳрибонларини бир умр хотирлайди. Улар билан фахрланади. Айниқса, меҳрибон ўқитувчи ва ота билан она боланинг ўсиб-унишида катта роль ўйнайди. Киши қанча кўп яшаб улғайса, унинг учун меҳрибонлар образи шунча қимматлироқ бўлиб қолади. Уларга бўлган қайноқ муҳаббат ва чуқур эҳтиром бола қалбида умр бўйи жўш уриб туради.

Халқимиз «Ҳулқ — тил ва дил кўзгуси» деб бежиз айтмаган. Яхши ҳулқ эгаси бўлиш катта фазилат. Бундай фазилат ёшларимиз қиёфасида, юриш-туришида тўла акс этиб туриши даркор.

Миразиз РАҲИМОВ.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тил ва адабиёт кабинетининг мудири.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ОКТЯБРНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Урта Осиё темир йўли бошқармаси касаба союзи ташкилоти Тошкент темир йўли бўлими 3573-вагон клуби билан ҳамкорликда вагон клуби биносида «Октябрни шарафлаймиз» оғзаки журналини ўтказди. Кечага ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари, меҳмонлар таклиф этилди.

Урта Осиёда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида иштирок этган, ҳозирда меҳнат ғаштини сураётган Г. Шевцов биринчи бўлиб сўз олди. У ўтмиш хотираларидан сўзлаб берди. Тошкент темир йўли бўлимининг бошлиғи Я. Бахолдин вагон-клуб мудири, Улуг Ватан уруши қатнашчиси Д. Колянскин зилзиладан кейин темир йўлчиларнинг ватанпарварлик ташаббуслари, ғайратлари ҳақида сўзлаб беришди.

Темирйўлчилар Октябрь революциясининг 50-йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу кечада меҳнат зафарлари ҳақида ҳам мароқ билан сўзладилар.

«Октябрни шарафлаймиз» оғзаки журнали қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

А. КОМИССАРОВ.

Тошкент телевидение студияси ўз эшиттиришларида республикамиз ҳаётини чуқурроқ ёритиб бе ришга ҳаракат қилмоқда. Суратда: студия оператори Карим Мақсудхўжаев навбатдаги бадиий эшиттириш учун ўзбек миллий рақсларидан бирини суратга олмоқда.

Г. Пун фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 февралда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — Ярим аср йилномаси. **Тошга битилган достон** (болалар учун), 18.45 — **Экономикани ўрганамиз** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.00 — **Хатлардан-қўшиқларга** (концерт).

Рус тилида: 20.05 — **Телевизион янгиликлар**, 20.15 — **Буюк инсон ҳақида сўз** (Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига бағишланган эшиттириш).

20.55 — **Эртаги кун программаси.**

21.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Пионер ишлари ҳақида**, 18.25 — **Шатакка олинган қиз** (болалар учун фильм), 19.05 — **40 ёшдан ошганда** (илмий-оммабоп фильм), 19.25 — **Сонеталарни тинглаб** (Б. Шоу пьесаси асосида телефильм).

Ўзбек тилида: 20.05 — **Кичик Иллимар** (телефильм), 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Қишлоқ ўқитувчиси** (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI Пленуми қарорлари — амалда). 21.10 — **Тожик нуйлари**, 21.40 — **Майдондаги қотиллик** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 8/II да **Спартак**, 9/II да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Вероналик икки йигит**, 9/II да **Оқ кабутар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/II да **Икки билагузук**, 9/II да **Ўғил уйлантириш**.

КИНО

Бўри фъл — «ЧАЙКА», «УЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда).

Аччиқ гуруч — «УЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Дзюдо доҳийси (1 ва 2-серия) — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

«Парда орқасидаги ёруғлик» — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатлар да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Хўжа Насриддиннинг 12 қабри — «НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим ва кеч 6-40 минутда. Ўзбек тилида).

Сеҳрли халат — «УЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-да.)

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1967 йил 22 февраль кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика фанлари бирлашган илмий совети мажлисида (нефть ва газ қазилмалари разведкаси институтининг конференц-зали, Ш. Руставели кўчаси, 114-уй) минерал геологияси фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Ю. В. Михайлова «Чақчар ва Янкабоғ тоғларидаги сульфид конларининг геохимик тақосланиши» (Жанубий Ўзбекистон) деган темада.

А. Мусаев «Томди тоғ массивидаги базит ва гипербазит тоғ жинсларининг петрогорафияси ва улар билан боғлиқ бўлган рудалар» (Қизилқум) деган темада.

Диссертацияларни Академия кутубхонасида танишиш мумкин. (Академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй ва А. Тўқаев кўчаси 1-уй).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р.05099. ИНДЕКС 64970. А. — 1795.